

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
31-yanvar
SHANBA
№ 9 (13870)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Тошкент давлат аграр университетда Ўзбекистон Республикаси Президентининг хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев бошчилигида Қибрай туманида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишга қаратилган кенгайтирилган учрашув бўлиб ўтди.



▼ Hamkorlik

Xorijlik investorlar bilan muzokara o'tkazildi

Nurafshon shahrida Toshkent viloyati hokimi Zoyir Mirzayev Xitoy Xalq Respublikasining Jiangsi Savdo Palatalari Bosh Assotsiatsiyasi ijrochi raisi, Xitoy G'arbiy Jiangsi tadbirkorlari alyansi raisi Fan You Hu boshchiligidagi delegatsiyani qabul qildi.

Uchrashuv avvalida viloyat hokimi mehmonlarni samimiy qutlar ekan, O'zbekiston va Xitoy o'rtasidagi strategik sheriklik munosabatlari doirasida investitsiyaviy hamkorlikni yanada chuqurlashtirish, ayniqsa, qurilish va infratuzilma sohaslarida qo'shma loyihalarni amalga oshirish ustuvor ahamiyatga ega ekanini ta'kidladi.

Shundan so'ng Toshkent viloyatining iqtisodiy salohiyati, qulay ishbilarmonlik muhiti, sanoat va investitsiya zonalarini, xorijiy sarmoyadorlar uchun yaratilgan imkoniyat va imtiyozlar haqida atroflicha ma'lumot berildi.



Хавфсиз ҳудуд: ЯНГИ ТИЗИМ, ЯНГИЧА ЁНДОШУВ

▼ Долзарб мавзу


Унда вилоят ва туман ҳокимликлари масъуллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, таълим муассасалари ва туман ИИБ профилактика инспекторлари, маҳалла раислари, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича масъуллар, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Мулоқот давомида олиб борилаётган ишлар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, уюшган жиноятчиликка қарши қатъий курашиш, кибержиноятчилик, яширин иқтисодиёт ҳамда наркожиноятларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, маҳаллаларда оилавий зўравонлик, талончилик ва безорилик ҳолатларига йўл қўймаслик, гиёҳвандликка нисбатан тоқатсиз муҳитни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2

▼ Ижтимоий ҳимоя

ОЛИС ҲУДУДЛАРДА ХОЛИС ХИЗМАТ



Бўстонлик туманининг "Сиж-жак" маҳалласи энг чекка тоғли ҳудудда жойлашган. Тоғ шароитида киш фаслида йўллارни қалин қор қоплаб, қатнов мушкуллашса-да, аҳолининг эҳтиёжманд қатламига манзилли ижтимоий хизматлар кўрсатиш давом этмоқда.

3

▼ Таассурот

Муаззам манзилда тарих билан 103ма-103

2

Viloyat bo'yab

BO'STONLIQ tumanining "Dumaloq" mahallasida turkiyalik hamkorlar bilan birga asalarichilar zamonaviy texnologiyalar asosida 20 turdagi asal mahsulotini yetishtirishni yo'lga qo'yishmoqda. Loyiha yangi ish o'rinlari, eksport va barqaror daromadga xizmat qiladi.

Ayni kunlarda VILOYATdagi tuman (shahar) hokimlari hamda mas'ul idora va tashkilotlar rahbarlarining yoshlar bilan uchrashuvlari bo'lib o'tmoqda. Faol muloqotlarda yoshlarning muammolarini hal etish, salohiyatini ro'yobga chiqarish, talab yuqori bo'lgan xorijiy tillarga o'qitish, tadbirkorlik va qishloq xo'jaligi faoliyatini yo'lga qo'yishda ko'maklashish, mavjud bo'sh ish o'rinlariga joylashtirish orqali bandligini ta'minlash, shuningdek, ularning huquqiy ongi va madaniyatini oshirishga har tomonlama amaliy yordam ko'rsatilmoqda.

QIBRAY tumanining "Ko'prikboshi" mahallasida "Nuroni" jamg'armasi tuman bo'limi tomonidan "Uch avlod uchrashuvi" tashkil etildi. Muloqotda milliy qadriyatlarimizni asrab-avaylash, oilani mustahkamlash, uning jamiyatdagi nufuzini oshirish masalalariga alohida e'tibor qaratildi. Uzoq yillar davomida ahil va totuv yashab kelayotgan oila vakillari yoshlarga o'z hayotiy tajribalari, farzand tarbiyasidagi muhim jihatlar haqida so'zlab berdilar.

YANGIYO'L tumanida "YANGIYOL STRAWBERRY" MCHJ tomonidan xorijiy investitsiyalar asosida zamonaviy issiqxona loyihasi amalga oshirilmoqda. Loyiha doirasida 14,5 gektar yer maydonida 1 million AQSH dollari miqdorida investitsiya o'zlashtirilishi rejalashtirilgan. Zamonaviy issiqxona texnologiyalari hisobidan yiliga 2-3 marotaba hosil olish, shuningdek, mahsulot yetishtirish hajmini 30-35 foizga oshirish imkoniyati yaratilmoqda.

Томорқачилик: ФАСЛНИНГ ҲАМ ФАРҚИ ҚОЛМАДИ



3



*Исломи цивилизация
маркази толи маънода —
Исломи тараққури, илм маъ-
рифат, санъат ва адабиёт ме-
росининг бой тарихи, шу билан бирга,
Марказий Осиёнинг дунё илмий
ва маданий тараққиётидаги
ўрнини намоён этувчи
маскандир.*



▼ Таассурот

Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев ташаббуси билан Республика Маънавият ва маърифат марказининг вилоят бўлими, туман ва шаҳар бўлимлари раҳбарлари ҳамда ҳокимликлар муассислигидаги газеталар бош муҳаррирларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Исломи цивилизацияси марказини зиёрат қилишди.

Саёҳат давомида иштирокчилар марказда яратилган илмий-маърифий мажмуа, унинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, мазмунан бой ва пухта ишланган экспозициялар билан яқиндан танишдилар.

Исломи цивилизацияси марказининг жаҳон тамаддунида тутган ўрни, Марказий Осиё заминидан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илм-фан тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси кенг ёритилгани, қўлғиналар ва нодир манбалар фонди, музей экспозициялари ҳамда мультимедиа залларида тақдим этилган материаллар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, марказда Исломи динининг асл инсонпарварлик, маърифат ва бағрикенглик ғоялари креатив ёндашувлар асосида ёритилгани, замонавий архитектура ва илғор ахборот технологиялари орқали тарихий меросни интерактив усулда намоён этиш имконияти яратилгани зиёратчиларни ҳайратга солди.

Саёҳат иштирокчиларининг таассуротлари билан қизиқдик.

Муаззам манзилда тарих билан юзма-юз

Ирода МУҲАМЕДАЗИЗОВА,

“Чирчиқ тонги” газетаси бош муҳаррири:

— Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан ташкил этилган зиёратда маънавиятчилар ва ҳамкасбларим билан бирга бўлдик.

Марказни айланар эканмиз, қалбимни ўзгача ғурур ва фахр чулғаб олди. Маскандаги маҳобат, салобат, мухташамлик ва файздорлик қолдим. Қўлғиналар ва нодир манбалар фонди, мазмунан бой музей экспозициялари ҳеч биримизни бефарқ қолдирмади.

Дарҳақиқат, Ўрта Осиё, хусусан, она диёримиз битмас-туганмас бой тарихга эга. Баъзан ўйлаб

қоламан: улғайиб келаётган фарзандларимиз бу ноёб маънавий дурдоналарни қай даражада билиб, англашади? Ана шу саволлар мени бир тақлиф устида мулоҳаза қилишга ундайди. Бой тарихий меросимизни ёшларимиз онгига сингдириш учун бадиий ва ҳужжатли фильмлар ҳамда сериаллар яратиш керак, деб ўйлайман. Тарихий фактларга асосланган фильм ва сериаллар шубҳасиз, ёшлар онгига мустаҳкам ўрнашади.

Марказда Исломи динининг асл инсонпарварлик, маърифат ва бағрикенглик ғоялари билан сўғорилгани замонавий архитектура ва илғор ахборот технологиялари ёрдамида интерактив тарзда ёритилганини кўриб, тақлимим долзарб эканини яна бир бор англадим.

Бу саёҳат миллий ва маънавий қадриятларга бўлган ҳурматини янада мустаҳкамлаб, қалбимда хоқимлигига, хусусан, Зойир Мирзаевга самимий миннатдорлик билдираман.

Дилбар ШАРИПОВА,

“Истиқбол” газетаси бош муҳаррири:

— Аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган бой илм-фан, маънавият ва тафаккур анъаналарининг ёрқин тимсоли бўлган Ўзбекистон Исломи цивилизацияси марказига Тошкент вилояти ҳокимининг та-

шаббуси билан уюштирилган саёҳат ниҳоятда қизиқарли, самарали ва таассуротларга бой бўлди. Бир сўз билан айтганда, бу “мўъжиза”-ни кўриб яна бир бор ғурурдандим. Юртимизга кўз тегмасин!

Шоира ШОМАТОВА,

“Пискент ҳаёти” газетаси масъул котиби:

— Ҳамкасбларим ҳамроҳлигида Исломи цивилизацияси маркази билан танишар эканман, замонавий экспонатлар, ўзгача қиёфадаги архитектура ва дизайн уйғунлигини кўриб, яна бир бор инсон ақлу тафаккури нималарга қодир эканигининг ғувоҳи бўлдим.

Президентимизнинг ташаббуси билан барпо этилган маскандаги буюк алломаларимизнинг суратлари, илм ва ижод йўлидаги изланишлари акс этган расмлар галереяси, қадимий шаҳарлар макети, юксак маданият ва кўна тарих нафаси уфуриб турган муҳит, кўрғазма заллари, сунъий интеллект орқали жонлантирилган буюкларнинг сузи ва фаолиятдан ниҳоятда таъсирландим.

Айниқса, Амир Темурнинг ҳаёти ва давлат бошқаруви борасидаги

ишлари, шахмат столи ва дончалари териб қўйилган экспонат, жанг куроллари, ёзишмалари акс этган кўрғазмалар кўз ўнгимда буюк Соҳибқироннинг сиймосини гавдалантирди.

Бундан ташқари, Учинчи ренессанс даври акс этган залда намоён этилган энг замонавий кўрғазмалар, мустақиллигимизнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган сиёсат ва маданият арбоблари, шунингдек, маҳаллалар ободлиги, спортчилар, ҳарбийлар ҳаётдан сўзловчи замонавий экспонатлар менга жуда маъқул бўлди.

Англадимки, бу маскан инсонларнинг нафақат тарихдан бохабар қилди, балки ҳозирги давр нафасини ҳис этишда, ёшларнинг маънавий тафаккурини бойитишда катта аҳамият касб этади.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Олмалик ҳаёти” газетаси бош муҳаррири:

— Тарихни китобдан ўқиш бир гап, уни ҳис қилиш эса мутлақо бошқа туйғу. Исломи цивилизацияси марказининг қурилиш жараёнини телевидение орқали кўргандим, мухташамлиги ҳақида эшитгандим. Аммо яқиндан кўриш, ўша маҳобатни ҳис қилиш, инсонга ҳайрат, ғурур бахш этар экан. Масканни айланиш жараёнида яна бир қарра Ватанимизнинг нақадар буюк аждодлари, ўтмиши борлигидан фахр ҳиссини туйдим, тарих ва келажакдаги узвийликка ғувоҳ бўлдим. Марказнинг ноёб ва замонавий меъморчилик ечимлари, бебаҳо ва бетакрор экспонатлар билан боғлиқ маълумотлар марказга ташриф буюрган ҳар бир инсонга маънавий қувват бахш этади.

Халқимизнинг тош асрдан тортиб Янги Ўзбекистон давригача бўлган бой тарихий ва маданий меросини тўлиқ акс эттирувчи мазкур ноёб маскан Ўзбекистоннинг нуфузини дунёга танитадиган, айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялайдиган муҳим маърифий мажмуа бўлибди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг эзгу ташаббуслари билан бунёд бўлган мазкур маърифий маскан яқин келажакда, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намоён этишда ташриф қозғига айланади.

Шоира ТЎЛАГАНОВА,
“Оҳангарон ҳаёти” — “Жизнь Ахангарана” газетаси бош муҳаррири:

— Исломи цивилизация маркази толи маънода — Исломи тафаккури, илм маърифат, санъат ва адабиёт меросининг бой тарихи, шу билан бирга, Марказий Осиёнинг дунё илмий ва маданий тараққиётидаги ўрнини намоён этувчи маскан бўлибди. Унинг асосий ғояси — Марказий Осиёнинг диний, илмий ва маданий меросини бир жойда тўплаш ҳамда бутун дунё учун очик билим манбаига айлантиришдир. Саёҳат чоғида марказ нафақат Ўзбекистон,

балки бутун Марказий Осиё ва глобал маданий майдонлар учун ҳам муҳим платформага айланганининг ғувоҳи бўлдик. Марказда Исломи маданияти ва меросининг тинчлик, ҳамжиҳатлик ва инсониятга хизмат қилувчи жиҳатлари тарғиб этилиши барчамизнинг кўнгилмизига тоғдек юксалтирди.

Ёдингизда бўлса, Муҳтарам Президентимиз бу марказ ғоясини биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбарида гапириб, Исломи

нафақат дин, балки илм, маданият, инсониятнинг маънавий ривожланишига хизмат қилган цивилизация эканини билдирган эдилар.

Яна бир жиҳат, марказда қадимий Илоқ давлати билан боғлиқ маълумотлар борлиги, айниқса, Оҳангарон фарзанди, етук олим Абдурашид Ҳасановнинг номи алоҳида қайд этилгани, бизни беҳад қувонтирди. Бу маскан асрлар оша дунё тараққиёти ривожига хизмат қилишига ишонаман.

Гулжаҳон ЁМҒУРОВА,
“Халқ овози” газетаси бош муҳаррири:

— Ўзбекистон Исломи цивилизацияси марказига ташриф мен учун оддий саёҳат бўлмади, балки қалбимни тўлқинлантирган унутилмас лаҳзаларни ҳада этди.

Масканга қадам қўйган ондан бошлаб, юртимиз тарихининг буюк саҳифалари, аждодларимизнинг илм-фан, маърифат ва маънавият

йўлида қолдирган беқиёс мероси кўз ўнгимда жонланди.

Марказдаги ҳар бир экспозиция, ноёб қўлғина ва тарихий далил инсонни уйғатолдиради. Бу ерда фақат ўтмиш эмас, балки келажакка ишонч, миллий ғурур ва ифтихор ҳисси ҳам муҳимасам. Айниқса, буюк алломаларимизга

бағишланган бўлимларни ҳаяжон билан айландим.

Исломи цивилизацияси маркази — бу тарих билан учрашув, маънавият билан мулоқот, ўзлгинини янада чуқурроқ англаш маскани эканини ҳис қилдим. Саёҳатдан руҳан бойиб, қалбимда фахр ва шукроналик туйғулари билан қайтдим.

XORIJLIK INVESTORLAR BILAN MUZOKARA O'TKAZILDI

O'z navbatida, delegatsiya rahbari Fan You Hu Toshkent viloyati investorlar uchun ochiq, barqaror

rada zamonaviy turarjoy majmuasi va mehmonxona barpo etish, shuningdek, ko'ngilochar maskan-

30 yillik tajribaga ega tadbirkor hisoblanadi. U Xitoy Xalq Respublikasida ham qator yirik loyihalarni muvaffaqiyatli amalga oshirgan.

Viloyat hokimi tomonidan bildirilgan takliflar ma'qullanib, xorijiy sarmoyadorlar uchun barcha zarur tashkiliy-huquqiy shart-sharoitlar, investitsiya kafolatlari hamda amaliy qo'llab-quvvatlash choralari ta'minlanishi ta'kidlandi.

Shu bilan birga, viloyat rahbari Xitoy ishbilarmon doiralari bilan uzoq muddatli, o'zaro manfaatli va barqaror hamkorlikni yanada kengaytirishga tayyor ekanini bildirdi.

Uchrashuv yakunida tomonlar qo'shma loyihalarni amalga oshirish bo'yicha amaliy hamkorlikni yo'lga qo'yish, aniq taklif va tashabbuslarni mutaxassislar darajasida chuqur ishlab chiqish hamda ikki tomonlama aloqalarini yangi bosqichga olib chiqish muhim ekaniga ishonch bildirildi.

Toshkent viloyati hokimligi Axborot xizmati



va ishonchli hudud ekanini qayd etib, bu yerda qurilish hamda infrazuzilma loyihalarni amalga oshirish uchun keng imkoniyatlar mavjudligini alohida ta'kidlandi.

Samimiy va ishchan ruhdagi kechgan mulqot davomida xitoylik ishbilarmonlar Nurafshon shah-

lar hamda biznes faoliyati uchun qulay shart-sharoitlarni o'zida jamlagan yirik savdo kompleksini ishga tushirish bo'yicha takliflarini bildirdi.

Ma'lumot o'rinda qayd etish joizki, delegatsiya rahbari Fan You Hu Zhongge Holding Co., Ltd. kompaniyasi direktorlar kengashi raisi bo'lib, qurilish sohasida

Хавфсиз ҳудуд: Янги тизим, янги ҳаёт

Айниқса, ҳуқуқбузарликлар кўп учраётган, тақрорий хавф даражаси юқори бўлган, шартли равишда “қизил” маҳаллалар деб белгиланган ҳудудларда профилактика ишлар самарадорлигини ошириш, манзилли ёндашувни кучайтириш, таълим муассасалари, маҳалла ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Қайд этиш жоизки, 2025 йилда Қўшқўрғон туманида жами 679 та жиноят ҳисобга олинган бўлиб, 2024 йилга нисбатан 29 тага ортган. Тумандаги 60 та маҳалланинг 23 таси “яшил”, 30 таси “сарик” ва 7 таси “қизил” тоифага ажратилган. 31 та олдинги олиш мумкин бўлган жиноятлар “қизил” тоифадаги маҳаллаларда содир этилган.

Вилоят ҳоқими ўз сўзида жиноятчиликка қарши курашишда майда масала йўқлигини, ҳар бир мурожаат, ҳар бир ҳолатга масъулият билан ёндашиш орқалигина жамоат хавфсизлигини таъминлаш мумкинлигини қайд



эти. Шунингдек, профилактика ишлари фақат оқибатни бартараф этиш эмас, балки жиноят содир этилишига сабаб бўлаётган омилларни барвақт аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган бўлиши лозимлиги уқтирилди.

Шунингдек, тумандаги ҳар бир маҳалла кесимида жиноятчилик ҳолатини таҳлил қилиш, “қизил” маҳаллаларда комплекс чора-тадбирларни кучайтириш, ёшлар ва талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини

олиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Учрашув якунида йиғилганлар ўзларининг тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Муаммолар тинглашиб, уларнинг ечими бўйича тегишли масъулларга аниқ кўрсатмалар берилди.

Шу мавзудаги тадбирлар Тошкент ва Зангиота туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)

▼ Тақдимот

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Тошкент вилояти бошқармаси тизимидаги соҳаларда амалга оширилаётган ишлар ҳамда 2026 йилга мўлжалланган режалар тақдимоти билан танишди.



Ижтимоий ҳимоя:

2026 йилги устувор вазифалар муҳокама қилинди



Тақдимот давомида ижтимоий ҳимоя соҳасида эришилган натижалар ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Хусусан, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шароитлар яратиш ва ижтимоий хизматлар

сифатини ошириш масалалари-га алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумотларга кўра, вилоятда 76 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатда туради. 2026 йилда 27 мингдан зиёд фуқарога ногиронлигини белгилашнинг янги стандарти асосида ҳулоса берилиши режалаштирилган.

Шунингдек, минглаб фуқароларнинг бандлиги таъминланиб, реабилитация ва протез-ортопедия воситалари билан таъминлаш қамрови кенгайтирилади.

Инклюзив таълим йўналишига болалар жалб этилиб, мактабларда тўсиқсиз муҳит яратиш ишлари давом эттирилади.

Болалар ҳимояси доирасида етим болаларни уй-жой билан таъминлаш ва уларни олий таълим муассасаларига йўналтириш чоралари кучайтирилади.

Бундан ташқари, ижтимоий карта тизимини кенгайтириш орқали ижтимоий туловларнинг манзиллиги оширилиб, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш таъминланади.

Маҳаллаларда "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали эҳтиёжманд аҳолига кўмак бериш ишлари изчил давом эттирилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий

агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Мирозид Мурсултоновнинг таъкидлашича, 2026 йилда ҳам давлат томонидан яратилаётган имкониятларни ўз эгаларига ўз вақтида етказиш асосий вазифа этиб белгиланган.

Қайд этилганидек, 2026 йилда Чирчиқ ва Нурафшон шаҳарлари ҳамда Бекобод туманида ҳудудий ижтимоий хизматлар марказлари ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармасининг янгида қурилатган биноси фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Тақдимотда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармасининг барча йўналишлардаги ходимлари ҳамда вилоятнинг маҳаллаларида фаолият олиб бораётган комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимлар иштирок этишди.

Ўз муҳбиримиз

ОЛИС ҲУДУДЛАРДА ХОЛИС ХИЗМАТ

Жумладан, маҳаллада яшовчи Хайрулло Пирметов уч нафар фарзандни тарбияланмоқда. Кенжаси Умиджон Иззатуллаев тузма ногиронлик билан дунёга келган. Соғлигининг заифлиги сабабли у мактабга бир йил кеч борган. Фарзанднинг билим олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида ижтимоий ходим томонидан болага психологик ёрдам кўрсатилиб, ҳудуддаги 125-мактабдан ўқитувчи жалб этилди.

Шунингдек, Умиджоннинг онаси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, уй шароитида ҳаракатланиши учун таянч мослама, ташқи муҳитда эркин юриши учун электрон аравача билан таъминланди.

– Ижтимоий хизмат фақат ҳужжат расмийлаштириш ёки моддий ёрдам етказиш билан чекланмайди, – дейди маҳаллага комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим Парвина Ашурметова. – Энг муҳими, инсонни тинглаш, унинг дардини англаш ва ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлашдир. Айрим пайтларда бир оғиз илиқ сўз, самимий эътибор инсон учун катта таянч бўлади. Шунинг билан ҳолда ишлаяпмиз.

Яна бир фуқаро Хилола Турғунбоевнинг oilаси ҳам ижтимоий хизмат

томонидан атрофлича ўрганилди. Бир муддат аввал Хилола опа 2-гурӯх ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатга олинган. Унга психологик ёрдам ҳамда ҳуқуқий хизматлар кўрсатилди. У билан 80 ёшни қоралган ота-онаси яшаши боис, уларни парвартириш учун тегишли далолатнома расмийлаштирилди.

Шунингдек, Хилола опага тикувчилик билан шуғулланиш, шогирд тайёрлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатилиб, тирсақли қўлтиқтаёқ берилди. Эндилликда у ҳаётини мазмунли давом эттириб, шогирдлар тайёрламоқда.

Шу маҳаллалик Жўрабой Абдуллаев эса 1-гурӯх ногиронлиги бўлган, доимий парваришга муҳтож фуқаро ҳисобланади. Унга ҳамшира ёлланиб, чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди ва адаптив спортга жалб этилди. Сайр қилиши учун махсус аравача билан таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, маҳалла ижтимоий ходими Парвина Ашурметова қийин қорли кунларда ҳам от миниб, чекка хонадонларга бориб, эҳтиёжманд фуқароларга зарур ижтимоий хизматларни етказмоқда. Бу нафақат касбга садоқат, балки инсонга бўлган меҳр ва бурч намунаси.

Нигора ЎРОЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

▼ Manzilli yordam

HECH KIM E'TIBORDAN SHETDA QOLMAYDI

Bugungi kunda aholi farovonligini ta'minlash, ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlarni qo'llab-quvvatlash mamlakatimizda ustuvor vazifaga aylangan. Bu jarayonda mahalla instituti, ayniqsa, kompleks ijtimoiy xizmat ko'rsatish tizimining o'rni katta. Piskent tumanidagi "Mo'minobod" mahalla fuqarolar yig'inida amalga oshirilayotgan ishlar bunga misol bo'la oladi.

Maahallada aholining turmush sharoitini yaxshilash, ehtiyojmand oilalarni qo'llab-quvvatlash maqsadida kompleks ijtimoiy xizmat ko'rsatish tizimi yaxshi yo'lga qo'yilgan. Bu orqali muhtoj oilalarning muammolari joyida o'rganilib, bosqichma-bosqich hal etib kelinmoqda. O'tgan yil davomida mahallada 500 dan ortiq murojaat qabul qilinib, ularning 90 foizdan ziyodi ijobiy hal etildi.

Bugungi kunda tumandagi markaziy shifoxonaning bolalar bo'limida ish-lamoqda.

Shu mahallalik Bobur Mirzayev ham "Kambag'allik reyestri"ga kiritilib, kasbga yo'naltirildi. Hozirda Bobur o'z xonadonida yengil avtomobillarga texnik xizmat ko'rsatish

Ayni paytda mahallada 1 ming 15 ta oila, 1 ming 675 ta xonadon mavjud bo'lib, 157 nafar nogironligi bo'lgan shaxs ro'yxatga olingan.



Zilola Ismatova shu mahallada kompleks ijtimoiy xizmat ko'rsatuvchi xodim bo'lib ishlaydi.

orqali barqaror daromad topmoqda. Dastlab "qizil" toifada bo'lgan bu oila ko'rsatilgan manzilli yordam va bandlik choralarini natijasida bugun "yashil" toifaga o'tkazildi.

Biz faqat ijtimoiy yordam ko'rsatish uchun emas, balki oilalarni to'laqonli hayotga qaytarish maqsadida ishlayapmiz, – deydi Z. Ismatova. – Har bir murojaat ortida bir taqdir bor. Shuning uchun muammolarni joyida o'rganib, har bir oilaga alohida yondashamiz. Jumladan, 2-gurux nogironi Bobur Jo'rayev "Kambag'allik reyestri"ga kiritilib, unga gaz va elektr energiyasi uchun bir martalik moddiy yordam hamda 6 oylik nafaqa ajratildi. Shuningdek, sanatoriya davolanishi uchun navbatga qo'yildi. Uning turmush o'rtog'i Dinora Jo'rayeva kasb-hunarga o'qitildi.

Mahallani aylanar ekanimiz, aholining bugungi kunidan, hayotidan mamnun ekanligini ko'rdik. Demak, manzilli yordam bu shunchaki ko'mak emas, balki inson qadrini yuksaltirish, oilalarni farovon hayot sari yo'naltiruvchi tizim ekaniga yana bir bor amin bo'ldik.

Nigora ERKINBOEVA Muallif olgan surat

Зангиота туманининг "Эски қалъа" маҳалласи азалдан деҳқончилик билан танилган ҳудудлардан. Маҳалла аҳли йиллик давомида ер билан тиллашади, тажриба орттириб келади. Айниқса, ҳудудда

кулупнай етиштириш анча ривожланган. Бугунги кунда маҳалладаги иссиқхоналар замонавий технологиялар асосида, экологик талабларга қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритмоқда.

Томорқачилик: Фаслнинг ҳам фарқи қолмади

Ином Алиматов кулупнай етиштириш билан 15 йилдан бери шуғулланади. Ҳозирда у 26 сотих майдонда кулупнайнинг корейс селекциясига мансуб "Seolhyang" навини етиштирмоқда. Ушбу навининг афзалликлари – йирик меваси, ширин таъми, бозорбоп кўриниши, узок муддат яхши сақланиши ва касалликка чидамлилигидир. Унинг айтишича, кулупнайни ноябрь ойидан теришни бошлашган, йилига ўртача 10–12 тонна ҳосил олинади.



– Қишда салат баргига талаб юқори, у тез ўсади, бозори чаққон, фойдаси ҳам яхши, – дейди деҳқон. – Мавсумда 5-6 нафар маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаймиз, маҳсулотни эса харидорлар иссиқхонадан олиб кетишади.

– Маҳалламизда деҳқончилик ва томорқа хўжаликлари фаолияти йил сайин ривожланиб бормоқда, – дейди маҳалла раиси Наргиза Аҳмедова. – Аҳоли ердан самарали фойдаланиб, серҳосил экинлар етиштириш орқали даромадини ошириб келмоқда. Бугунги кунда иссиқхона хўжалиқларида мавсумий экинлар ва қишки маҳсулот етиштириш кенг йўлга қўйилган. Деҳқонларимиз замонавий агротехник усуллардан фойдаланиб, бозор талабига мос иш юритишга интилишмоқда. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва бозорга узлуксиз маҳсулот етказиб беришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, атроф-муҳитга зарар етказмаслик, ер унумдорлигини сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш алоҳида эътиборда.

"Эски қалъа" маҳалласи мисолида кўришимиз мумкинки, аънавий деҳқончилик замонавий ёндашувлар билан уйғунлашган ҳолда самарали натижа бормоқда. Бу борада деҳқонлар янги-янги тажрибаларни амалиётга татбиқ этиб, яхши даромад топиш мумкинлигини исботлашмоқда.

Нозима РАСУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Мехриддин ИБРАГИМОВ олган суратлар

– Кулупнай доимий эътибор, намлик ва ҳароратни бир маромда сақлашни талаб қилади, – дейди И.Алиматов. – Иссиқхонани кўмир билан иситамиз, лекин атроф-муҳитга зарар етмаслиги учун махсус филтер ўрнатганмиз. Экология масаласига бефарқ эмасмиз, ерни асрасак, у бизга узок йиллар хизмат қилади. Бу йил тажриба сифатида оқ кулупнай ҳам экиб кўрдик. Бу нав ҳали бозорда кам учрайди, лекин қизиқш катта. Яқин ойларида ҳосилга қиради, натижасига қараб, келгусида экин майдонини кенгайтириш ниятимиз бор.

Таъкидлаш керакки, қишлоқ жойларда деҳқончилик аҳоли бандлигини таъминлашда, айниқса, ёшларни меҳнатга жалб этиш, тadbиркорликка йўналтиришда муҳим ўрин тутаети.

ди. Мавсум пайтида кўплаб маҳаллий аҳоли иш билан таъминланиб, ўз oilалари учун қўшимча даромад топишмоқда.

Бахтиёр Умаров ҳам 30 йилдан бери деҳқончилик қилиб, тажриба орттирган. Ҳозирда унинг ихтиёрида 40 сотих ер майдони бўлиб, ёз ойларида помидор ва булғор қалампир, қиш мавсумида эса яшил ва сиёҳранг салат барги экиб, барқарор даромад топмоқда. Салат барги витаминларга бой бўлиб, ҳазм тизими учун фойдали ҳисобланади. Сунги йилларда соғлом овқатланишга қизиқиш ортгани боис салат маҳсулотларига талаб ҳам кўпаймоқда.

Унинг иссиқхонаси дуга шаклида бўлиб, "термос усули" орқали табиий иситилади. Бу энергия тежамкор ва экологияга зарар етказмайди.

▼ Қиш ҳаловати



Мазкур тadbирлардан асосий мақсад – ҳудудда яшовчи ёввойи ҳайвон ва қўшларни қишининг совуқ, қорли кунларидан беталафот олиб чиқиш, уларнинг озикланиши учун шароит яратишдан иборат.

Хусусан, Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғининг "Саргардон" бўлимига қарашли "Худойдод" ва "Хазанак" ҳудудларида қишининг қорли кунларида қўшимча озиклантиришлар ташкил этилди. Унда миллий боғнинг тажрибали инспекторлари фаол иштирок этишди. Жараёнда жами 125 килограмм

туз, 180 килограмм арпа, 160 килограмм кепак ҳамда 40 дона қуруқ пичан ҳарсангтошлар ораси, қуруқ ерлар ва дарахтлар атрофига жойлаштирилди. Айни пайтда бу ҳудудларда қор қалинлиги 40-50 сантиметр, тоғли қисмларда эса 60 сантиметрдан ортиқни ташкил этмоқда. Бундай шароитда ёввойи ҳайвонлар учун озуқа топиш жуда мушкул.

Шунингдек, биотехник тadbирлар "Пском-Ихноч" йўналишидаги "Қорақиясой", "Онаулгансой" ва "Урунғочсой" ҳудудларида ҳам

изчил давом эттирилди. Белгиланган нуқталарга зарур маҳсулотлар кўйилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, айрим ўсимликлар таркибда ҳайвонлар учун зарур бўлган туз миқдори жуда кам. Қиш фаслида эса ўсимлик ва тупроқда туз деярли қолмайди. Шу боис қўшимча туз қўйилиши ҳайвонлар саломатлиги ва ҳаёт фаолияти учун муҳим аҳамият касб этади.

Бу саъй-ҳаракатлар мавжуд ҳайвонот оламни сақлаб қолиш, келгусида уларнинг сони ортишига ҳам хизмат қилади.

Ёввойи табиатга маданий эътибор

Юртимизда ёввойи табиатни муҳофаза қилиш, ҳайвонот оламни асраб-авайлаш давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, қиш фаслида қоровуллик ва биотехник тadbирларнинг аҳамияти янада ортади.



Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғининг Паркент бўлимида ҳам биотехник тadbирлар бажарилмоқда. Жумладан, "Оқсоқота сой", "Арпаопа", "Қайин сой" ва Сурон ота тоғли ҳудудларида жорий ҳафтадаги об-ҳаво шароитига қарамай ёввойи ҳайвон ва қўшларни қўшимча озиклантириш амалга оширилди.

– Тadbир жараёнида жами 160 килограмм арпа, 120 кило-

грамм кепак, 100 килограмм туз ва 400 килограмм табиий пичан маҳсулотлари дарахтлар атрофига сепилди, – дейди Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи бош директори ўринбосари Жаҳонгир Пирметов. – Бу ҳудудларда қорнинг қалинлиги 20-30 сантиметр, юқори нуқталарда эса 40-50 сантиметрдан ортиқни ташкил этмоқда. Шунга қарамай, ходимларимиз ўз

вазифаларини сидқидилдан бажаришмоқда.

Айтиш жоизки, бундай тadbирлар табиат ва инсон ўртасидаги мувозанатни сақлаш, ёввойи ҳайвон ва қўшларга меҳр кўрсатиш намунаси. Аслида ёввойи табиатни асраш фақат мутахассислар эмас, балки барчамизнинг бурчимиздир.

Нигора ЭРКИНБОЕВА

Кичкинтойларнинг қувончоқ маскани



▼ Мактабгача таълим

Шу сабабли маҳаллий тadbirkor Дилором Аширбоева ўз ташаббуси билан боғча учун алоҳида ер майдонида замонавий бино қурди. Ҳовлида болалар учун хавфсиз ўйин майдончаси ўрнатилиб, усти ёпилди.

Бу ишлар юртимизда тadbirkorларга яратилаётган имтиёزلардан самарали фойдаланган ҳолда, банк кредитлари ва тadbirkorларнинг шахсий маблағи ҳисобидан амалга оширилди.

Ҳозирги кунда боғчадаги иккита гуруҳда жами 60 нафар бола тарбияланмоқда. Улар 2 нафар малакали тарбиячига топширилган. Шунингдек, болалар билан инглиз тили ўқитувчиси ва логопед шуғулланади. Боғчада спорт тўғрисидаги

ташқиқ этилган бўлиб, бу болаларнинг соғлом ривожланишига замин яратади.

– Болалар билан ишлаш – катта масъулият, – дейди Дилором Аширбоева. – Ўзим кўп йил боғчада тарбиячи бўлиб ишлаганман. Шу сабабли, замонавий мактабгача таълим ташкилоти очиш ниятим бор эди. Давлатимиз томонидан тadbirkorларга берилган имкониятлар мақсадимни амалга оширишимга туртки берди. Ҳар кун эрталаб кичкинтойларнинг боғчага қувониб кириб келишадиганини кўриб, завқланаман. Уларга яхши таълим-тарбия бериб, мактабга тайёрлаш бизнинг вазифамиздир.

Ўз мухбиримиз

Паркент туманининг “Самаробод” маҳалласида 2022 йилда фаолиятини бошлаган “Робия” номли нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ота-оналарнинг айна кўнглидаги иш бўлди. Сабаби, маҳалла болалари учун боғча жуда зарур эди.



Меҳриддин ИБРАГИМОВ олган суратлар

Алирсойда қиш ҳордиқлари



Мана гап

Асабийлашиш – бу бошқаларнинг аҳмоқлиги учун ўз соғлигингиздан ўч олишдир.

Эрнест ХЕМИНГУЭЙ

▼ Шанба табассуми

Тамом, кетаман. Қаёққа дейсизми? Марсга. Нега? Нафасим қисяпти.

Илон Маскка хат ёздим: – Марсга тезроқ учсак-учайлик. Эмаса... Ахир, фикрламай, иход қилмай яшаб бўладими?

– Ёзялсан-ку!
– Йўқ, ҳадемай ёзолмай қоламиз. Ишонинг, Илонжон ака!

Хуллас, гапни эшитинг, ошна. Бундан беш минг йил аввал топилгон кўлёмзада, ёшлар айниб кетопти, деб ёзилгон экан. Одам – одам, ёшлар ёш бўлибдики, айнишда давом этар. Уйладим, бир кун шу оқибат қиёмат кўлар. Яна ким билгай! Замон замон бўлмади, дунёнинг ками тўлмади.

Ана шундай хаёллар билан ишга йўл олдим. Уйимиздан метро бекатигача ўн дақиқалик йўл. Пиёда юриш фойдали-да, илҳом фаришта-си қаршиндан чиқса, бир гўзал шеърингми, ҳикоянингми пойдевори тайёр. Ҳозирча йўлимда илҳом эмасу, гўзаллик фаришталари кўп учраяпти. Вой, буларнинг ишвасидан, акан... Лекин бўйдоқўзининг шираси бўлади. Алвасти ҳам хурлиқо кўринаверади.

Метро тикилинч. Уч поездни ўтказиб, базўр илиндим. Зўрға нафас опасан. Ҳамма ишга шошган. Шартта мошин сотволиб, катаясалаб юрай десанг, права йўқ. Тест топшириб олай десанг, бир ярим миллион тўлови бор экан. Ҳайдаш учун яна шунча. Хуллас, илмдон бўлган ҳолатингда уч ярим миллионларга қўлингга права тегади. Ўн дақиқа компитурдан фойдаланганинг, ўн дақиқа мошин ҳайдашинг ҳам палон

пул! Ҳолинг не деб сўрайдургон кишим борму? Мендай хаёлпарастга рул бошқариш ками ўн беш миллионларга тушади-ёв!

Ана шундай хаёллар билан ишга келдим. Хонага кириб, “ишбажарар”имда наларнидир ёзиб ўтирсам, мулло Ҳомид кириб келди. Бошда дўппи, бўйида шарф, оёқда ялтироқ туфли. Кўрган киши илми лим-

лим бўлса керак дейди. Бизам шундай йўлардик. Кейин билсак... Қай хислати учун ишга олишган, унис менга қоронгу. Ё тангаси, ё “танка”си зўр.

– Ока, қалайсиз, тузуми? – деди иршайиб.

– Журиппиз! Шукр. Не гаплар, мулло?

– Бир мақола ёздим, кўриб берсез...

– Жон деб кўрардим-у, аммо ўзимга раҳим келяпти-да!
“Фаросат” кўчасидан ўтмаган бу олимпта ичингни тушунармиди? Эсиз, буларга ҳазил, эсиз гап. Ҳозир ҳазилни тушунувчилар деярли йўқ. Ҳамма тунд, ҳамма жиддий. Ўқрайган башаралар. Дод деворинг келади.

– Юринг-чи! – деб хонасига кирдим.

Мақоласини ўқиб кўрсам, дуппа-дуруст. Ҳайронман. Гап-сўзи тузсиздан ҳам жўяли гап чиқаркан-да! Камчиликларини айтдим. Бирор абзац кўшдим ҳам.

– Қайта ишлан!
– Шессекунд.

Компитуридан “чат-жи-пи”ни очди-ю, мен айтган гапларни ёзди. “Ақлвой” эса зумда бажарди-қўйди.

– Мақолациям шу ёздими? – ҳайратим ошди.

– Бўлмасан-чи, ока. Ман бошши оғритиб ўтирмиyman, силадақа!
Экранда ёзув пайдо бўлди.

Муштарийларни қийнамаслик учун имло қоидалари асосида ёзаман:

қулади. Шундай замонларга ҳам қолдик-да! Одам ўрнига “ақлвой” фикрлайверади. Тайёр мақола, тайёр шеър... Ҳикоя, қисса, рўмон! Тавба!

– Иш битириш осон экан-ку, жўра!

– Биз шунақа ёзуварамиз. Мақола-пақола, шеър-пёър керак бўлса, бегона қилмай...

умрини қаламга ошно қилган инсонларни ҳурматлаймиз. Уларнинг машаққатини ҳис қиламиз. Уйлаб кўриб, рўпарамдаги олғирлар ҳам феномен бўлишини, давраларнинг турида ўтиришини уйлсам...

Алам қилди. Ўзим нимани қойиллатяпман? Қачонгача мени ҳеч ким тушунмайди деб куюниб юришим керак? Бир неча йиллар аввал

Шанба сабоқлари Тарбия

Бир жойга юк оборишим керак эди. Юкларни аввал машинага ортоқчи бўлдим, қарасам камида тўрт марта қатнашим керак. Шунда бирдан хаёлимга қўшнимизнинг яқинда олган “Isuzi” юк машинаси келди. Бориб, қўшнимнинг дарвозасини тақиллатдим. Чикди, илтимосимни айтдим. Шунда ҳамсоямиз: “Ака жуда чарчаб келдим, хафа бўлманг, мана калит, бемалол фойдаланаверинг”, дея қўлимга янги машинанинг калитини тутқазди ва: “Ҳозир ўғлимни ҳам ёрдамга юбораман”, деди.

Юк машина ҳайдамаганман, аммо қизиқиш устун келиб рулга ўтирдим. Мўлжални тўғри ололмадим шекилли, машинани ичкарига олишда дарвозага теккизиб олдим. Қўшнимнинг ўғилчаси ҳали келмаган эди, келса кўрмасин, дедиму орқага ҳайдадим. Шу тарика ҳали давлат рақами ҳам тақилмаган машинанинг икки метр жойини кўриб олдим.

Ўғли келди ва мен ҳозир иш тўхтамаслиги учун айбини билдирмадим. Қўшнимнинг мактабда ўқийдиган ўғли ҳамма ишда менга ёрдам берди, юкларни ортдик, керакли жойга обориб туширдик. Қайтдик ва калитни болакайга бериб: “Эртага даданга раҳмат айтишга чиқаман”, деб хайрлашдим.



Эртасига қўшнимни кичига чиқсам, ишга кетиб бўлибди. Юк машина ҳам йўқ. Телефонда аҳволни айтишга истихола қилдим ва кечқурун гаплашарман деб ишга кетдим. Кечқурун қарасам юк машина доимий турадиган жойида йўқ. Эрталаб қарадим, йўқ. Бўлмади, телефон қилдим. Шундай-шундай дея аҳволни тушунтирдим, жудаям хижолатда эканлигимни айтдим. У эса: “Қўйсангизчи, унақа қирилган жойини кўрмадим, қирилган бўлсам майли, техникада ака”, деди. Ҳечам хижолат бўлмаслигини кўшиб ҳам кўйди.

Барибир кўнглим жойига тушмади. Кечқурун яна чиқдим, мана бу ерни қиргандим, дея қўл билан кўрсатдим. Кейин қўшнимни айтиб берди: “Ака, ўша кунни ўғлим қирилган жойини кўрган экан, ишингиз битгач, уйга келиб, дада машинамиз қирилди, лекин пачоқ бўлгани йўқ, шуни айтманг, бир марта иши тушган одамни хафа қилмайлик”, депти.


– Ўғлимга йўқ дедилмадим ака, – деди қўшним табассум билан. – Қолаверса, арзимас пул билан таъмирлаб беришди...

Қўшнимнинг ўғлига тикилдим. Бу болакайнинг қошу кўзи мунча чиройли десам, қалби ҳам, олаётган тарбияси ҳам гўзал экан.

Солиҳ фарзанд – бутун давлат, деганлари шу бўлса керак. Лекин унинг ўрнида мен, сиз ё бошқа бўлганда қандай йўл тутардик?

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Марсга учмасам бўлмайди...



лим бўлса керак дейди. Бизам шундай йўлардик. Кейин билсак...

Қай хислати учун ишга олишган, унис менга қоронгу. Ё тангаси, ё “танка”си зўр.

– Ока, қалайсиз, тузуми? – деди иршайиб.

– Журиппиз! Шукр. Не гаплар, мулло?

– Бир мақола ёздим, кўриб берсез...

– Жон деб кўрардим-у, аммо ўзимга раҳим келяпти-да!
“Фаросат” кўчасидан ўтмаган бу олимпта ичингни тушунармиди? Эсиз, буларга ҳазил, эсиз гап. Ҳозир ҳазилни тушунувчилар деярли йўқ. Ҳамма тунд, ҳамма жиддий. Ўқрайган башаралар. Дод деворинг келади.

– Юринг-чи! – деб хонасига кирдим.

Мақоласини ўқиб кўрсам, дуппа-дуруст. Ҳайронман. Гап-сўзи тузсиздан ҳам жўяли гап чиқаркан-да! Камчиликларини айтдим. Бирор абзац кўшдим ҳам.

– Қайта ишлан!
– Шессекунд.

“Мана бу маълумотларни кўриб, менга шу мавзуда долзарб мақола ёзиб бер. Ҳажми катта бўлсин. Фикрлар теран. Буларга ўхшамасин. Агар тўғри бажармасанг, йиртаман...”

Алҳазар! “Йиртиб қўйиш” бунақа бўпти! Одам бир йиғлагиси, бир кулгиси келади. Дилинг йиғлаб, кўзинг

Гапининг давомини эшитишга ҳолим қолмади. Яна бироз алжираса, юрагим тез уриб, қўлим бирор чаксага кетиб қолиши эҳтимоли бор эди.

Эшитишимча, устозларимиз бир пайтлар қоғоз қоралаш учун, эҳ-ҳе, қандай меҳнат қилишган! Ҳозир ҳам

қишлоқдан чиқиб келаётиб, чинор бўламан дегандим... У пайтда томирлар мўртлиги хаёлда борми? Ҳозир қизиқ палла. Уйлаб кўриб, менам Ҳомидлар режимига ўтсам, деб кўйдим. Зора кўкарардим. Барибир атрофдагилар самимиятни тушунишмайди. Сирингни олиб, кўчага сотади. Гап-гаштакка қирининг-да қизиги қолмаган. Бири ўғринча камера ёққан, яна бири диктофон қўшган. Юракдан гапиришга-да кўрқасан. Эрта-индин интернетга чиқиб туриш ҳеч гапмас. Қиттай ичиб қўйсанг, қиёмат. Худди одам бўлиб, биринчи гуноҳни сен қилгандай тикилишад.

Ҳомидни туркига қараб туриб нафасим қисди.

Ҳа айтганча, Ҳомиднинг мақоласи чиқди. Яқинда бир “Кўркмас бола” деганга ўхшаш медаль олсам ажабмас.

Майли, эплабди, омадини берсин. Лекин мен тез-тез асабийлашадиган бўлиб қолдим.

Илон Маскка ёзган хатимнинг жавоби тезроқ келса эди...

Зикрилла МУҲАММАД



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
G’afurjon MUHAMEDOV
Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR
Azamat MIRZAYEV
Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV
Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV
Sergey MUTIN

Bosh muharrir o’rinbosari,
nashr uchun mas’ul:
Suhrobjon SADIROV
Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Nozima RASULOVA
Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uemail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.

Bosishga topshirildi – 20:00.

Nashr ko’rsatkichi – 205.

Buyurtma G-135.

7 386 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taqob. Ofset usulida

bosildi. Qog’oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro’yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo’li ko’chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko’chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo’jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.